# ЙАНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА 2017-2021 YILLARDA АЁЛЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

**Ahmadjonova Dilnoza Azamjonovna**
*Andijon davlat universiteti*
*O'zbekiston kafedrasi II- kurs magistranti*

**Аннотация:** *Биламизки давлатимиз мустакиллигига бу йил 31-йил бўлган . Шу йиллар мобайнида юримизда кўплар ишлар амалга оширилди. Ҳамма соҳаларда гендер тенгликка берилаётган эьтибор дастлабки йилларида унчалик кўзга ташланмаган эди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини оширишга каратилган куплаб ишлар амалга оширилди. 1991 йилдан хозирги кунгача Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасини ривожлантиришга қаратилган қонун хужжатларини қабул қилиниши, уларда хотин-қизлар фаолиятига алохида эътибор қаратилганлиги кўриб чиқилди. Бу хужжатларда хотин-қизлар тадбиркорлигини қонуний асосда мустахкамлаб берилганлиги ва кўплаб имтиёзлар мавжуд бўлганлиги хақида маълумотлар берилган. Ушбу мақола орқали батафсил танишиб чиқишга ҳаракат қиламиз.*

**Калит сузлар:** *Хотин-кизлар, фаол аёллар, кичик бизнес, тадбиркорлик, хунармандчилик, тикувчи аёллар, мустакиллик, конун, карор, фармойиш ва бошкалар.*

## КИРИШ

Йуртимизда хеч ким назардан четда қолмайди. Шу йўлда хотин-кизларни хукукий, иктисодий ва ижтимоий химоялаш, улар учун кулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кутарилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар стратегиясида "хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошкарувидаги урнини кучайтириш, хотин-кизлар, касб-хунар коллежи битирувчи кизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустахкамлаш" [13] га алохида ахамият каратилган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасида хотин-кизларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, молиявий жихатдан куллаб-кувватлаш ва бу борада эришилган натижаларни тахлил килган холда, мавжуд муаммоларни бартараф этишга каратилган илмий тадкикотлар олиб бориш мухим ахамият касб этади. Давлат хар ишда хар сохада айолларни рўлини ошириш йўлида турли ислохатларни амалга оширмоқда.

## МУХОКАМА

МУХОКАМА

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини жадал тараққий эттириш, мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш сари катта қадамлар ташланиб, эзгу ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Жумладан, турли диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик каби ришталарни янада мустаҳкамлаш, улуғ алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш, ислом динининг тинчликпарвар ва марифатга асосланган тамойилларини қарор топтириш борасидаги ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланяпти.

Мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини та’минлаш, жамиятда диний багʻрикенглик ва динлараро доʻстлик-ҳамкорлик ғояларини янада мустаҳкамлашга алоҳида э’тибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ёʻналиши боʻйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи ёʻналиши — хавфсизлик, диний багʻрикенглик ва миллатлараро тотувликка багʻишлангани ҳам мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор ёʻналиши сифатида қаралишини билдирса, 2022-2026-йилларга моʻлжалланган Янги Оʻзбекистон Тараққиёт стратегияси дастурининг 5-ёʻналиши доирасида Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро багʻрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масаласи алоҳида мақсад сифатида баён этилгани — ушбу ёʻналиш алоҳида масала сифатида мунтазам э’тиборда эканини коʻрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги П^-2746-сон "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги, 2017 йил 10 февралдаги ПФ-2767-сон "Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамгармасини ташкил этиш тугрисида"ги, 2017 йил 24 майдаги П^-2996-сон "Касаначиликни янада ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тугрисида"ги карорлари, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон "Хотин-кизларни куллаб-кувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш сохасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги фармони, 2019 йил 7 мартдаги П^-4235-сон "Хотин-кизларнинг мехнат хукуклари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини куллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тугрисида"ги карорида хамда сохага оид бошка меъёрий хужжатларда юртимизда истикомат килаётган хотин-кизларни тадбиркорликка жалб килишга, уларни буш вактларини унумли фойдаланиш, оила бюджетини оширишда аёлларни хам фаоллигини таъминлашга катта эътибор каратилган.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-кизларни иктисодий жараёнларга жалб этишга каратилган давлат сиёсатининг ахамияти, кичик бизнес ва тадбиркорлик харакатининг мамлакат иктисодий тараккиётидаги урни хамда уларда хотин-кизлар иштироки масалаларига алохида эътибор

каратилган. Бу эса уз навбатида хотин-кизларни тадбиркорлик фаолиятига боскичма боскич кириб боришидан далолат беради.

Бизга маълумки инсоният жамияти шаклланишининг тарихий тараккиётида бозор иктисодиёти мухим ахамият касб этади. Бозор иктисодиётининг узок йиллик тарихига назар ташлайдиган булсак, у жамият иктисодий тараккиётини таъминлаб берувчи, фаровонликни оширувчи прогрессив куч эканлигига гувохи булишимиз мумкин. Бугунги кунга келиб, жамиятда моддий неъматлар ишлаб чикариш, инсонларнинг хаётий эхтиёжларини кондиришга хизмат килувчи мухим соха сифатида тадбиркорлик бозор иктисодиётининг ажралмас кисмига айланди. Бу жараёнда миллий хунармандчилик мухим урин тутади. Хунар турлари асрлар давомида кенгайиб, янги йуналиш ва мактаблар хосил килган. Маълумотларга кура, бугунги кунда республикамизда хунармандчиликнинг 34 тури мавжуд[19]. Бу эса уз навбатида юртимиз ахолисининг ушбу хунармандчиликнинг маълум касбларида фаол мехнат килаётганидан далолат беради.

Узбекистонда чеварчилик, каштачилик, гиламдузлик, зардузлик каби хунар турлари билан аёллар уйда утириб шугулланишган. Хунармандчиликда устоз-шогирд анъаналари мавжуд булиб, авлоддан-авлодга утиб келувчи узига хос тартиб-коида ва меъёрлар, ахлокий мезонларга амал килинган[10]. Бу маълумотлардан шуни билишимиз мумкинки, юртимизда истикомат килиб келаётган хотин-кизларни азалдан тадбиркорликнинг бир сохаси билан шугулланиб келган. Бу эса хозирги кундаги хотин-кизларни тадбиркорлиги узок утмишга бориб такалишидан далолат беради.

Хунарманд хотин-кизларга собик иттифок даврида арзон ишчи кучи сифатида каралиб, аёллар мехнатидан огир саноатда, пахта яккахокимлиги шароитида, кишлок хужалигидаги огир юмушларда фойдаланилди. Узбекистоннинг 90-йиллари бошларида хотин-кизлар ижтимоий ишлаб чикаришда 7-8 соат мехнат килиш билан бирга, оилада уй-рузгор юмушларини хам бажарган, яъни эркак хафтасига 41 соат ишласа, ижтимоий банд булган аёллар хафтасига улардан икки хисса ортик мехнат килган, кишлок аёлининг ижтимоий ахволи эса бундан хам огиррок булган [17]. Ушбу давр сиёсатида хусусий мулкка, тадбиркорлик фаолиятига йул берилмади, жамиятдаги барча мулклар давлатники, шу билан бирга, умумхалк мулки, деб эътироф этилди, хунарманд аёлларнинг асосий кисми артеллар, бадиий буюмлар корхоналари, завод ва фабрикаларга жалб килинса-да, узбек хотин-кизлари табиатидаги тадбиркорлик сифатлари сакланиб колди, уй хунармандчилиги ва тадбиркорлиги тарихан утган давр мобайнида узбек халки турмуш тарзининг ажралмас кисмига айланди. Шу сабабли, мустакиллик йилларида бозор муносабатларини амал килиши учун етарли шарт-шароитлар яратишга каратилган ислохотларнинг асосий максади аввало, мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштиришдан иборат булди. Бу эса уз

навбатида эркаклар билан бир каторда хотин-кизларни тадбиркорлиги жадаллик билан кириб боришига туртки булди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга каратилган Узбекистон иктисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошка мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир"[11] деб мустахкамлаб куйилди. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириувчи конун десак муболага булмайди. Юкорида таъкидлаганимиздек, мустакилликкача булган даврда хусусий мулкка чекловларнинг мавжудлиги, мулкни давлат хамда умумхалк мулки сифатида караши кишиларда жамоавий мехнатнинг маълум куринишида ривожланганлигидан далолат беради. Бу эса хусусий тадбиркорликни ривожланишига тусик булган омиллардан бири булган. Хрзирги кунда хусусий мулкчилик асосий конунимизда белгилаб берилган.

**АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ**

Мустакиллик йилларида аёл аввало, инсон сифатида ижтимоий-сиёсий, хукук ва эркинликларга эга булди, Узбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида "Хотин-кизлар ва эркаклар тенг хукуклидирлар[11], деб белгилаб куйилди.

1992 йили Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Вазирлар Махкамаси олдига хотин-кизлар ахволини яхшилаш буйича Давлат дастурини ишлаб чикиш вазифаси куйилди[18]. Бу оркали республикадаги хотин-кизларни боскичма-боскич тадбиркорликка йуналтириш кузга тутилган.

Узбекистонда хотин-кизларни куллаб-кувватлашга каратилган давлат сиёсати натижасида хукукий меъёрлар боскичма-боскич, тизимли амалга оширилди[4]. Бу эса хозирги кундаги хотин-кизларни тадбиркорликка жалб килиниши, уларни нафакат тадбиркор, балки жамиятни фаол аъзоси сифатидаги ролини ошириш, эркаклар ва аёлларни узаро тенглигини таъминловчи асосий ишлар эканлигидан далолат беради.

1993 йилда ташкил этилган кичик ва урта тадбиркорликни ривожлантиришга кумаклашувчи жамгарма (1995 йилдан Бизнес-фонд)[16] томонидан 62 миллион сумдан ортик кредит ажратилиши[2] натижасида минглаб тадбиркор хотин-кизларга фаолиятларини йулга куйиш, кенгайтириш учун имкониятлар яратиб берилди.

1995 йилга келиб, республикада ишлаб чикариш пасайишини кескин тухтатишга эришилди ва мамлакатда ижтимоий фаол ахоли сони 8 млн. 474 минг 600 нафардан иборат булгани холда, унда аёллар улуши 3 млн. 623 минг 300 нафарни ташкил этди[5]. Бу эса узига хос ижтимоий-иктисодий муаммо куламини сакдаб турарди. Шу йил 28 августда Вазирлар Махкамасининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни куллаб-кувватлаш давлат дастури тугрисида"ги, 1996 йил 9 июлда эса "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни куллаб-кувватлаш тугрисида"ги карорларининг кабул

килиниши натижасида, 1996 йил бошларида республикада 32 минг кичик корхона булиб, уларда саноат махсулотларининг 44 фоизи, кишлок хужалиги махсулотларининг 97 фоизи ишлаб чикарилган [3]. Буларда хам аёллар иштироки ортиб борганлигини куришимиз мумкин.

1996 йилнинг биринчи ярмида республика иктисодиётида жадал усиш даври бошланди. Хусусийлаштириш жараёни чукурлашди ва кенгайди, кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага ортди, бу йуналишда фаолият курсатаётган тадбиркор хотин-кизларнинг сони хам анча усди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелда "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Фармони[6] имзоланди. Бунда хам хотин-кизларни тадбиркорлик фаоиятига тортиш максадида куплаб вазифалар белгилаб берилган. Бунинг натижасида 1998 йилдаги холатда хотин кизларнинг иктисодий сохасидаги улуши 3879,0 минг кишини ташкил этган булса, 2000 йилга келиб бу курсаткич 3955,1 мингга етганини куришимиз мумкин[1].

2000-2008 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди[14], бунинг натижасида хотин-кизларга уз тадбиркорлигини яхшилаш максадида имтиёзли маблаглар вужудга келди. Хусусан, шахар ва кишлок жойларда аёллар уз тадбиркорлигини йулга куйиш учун кредитлар ола бошлади. Масалан куплаб тадбиркор аёллар томонидан кредит маблаглари хисобидан тикувчилик ва пиширик сехлари, гузаллик салонлари, хунармандчилик марказлари ва бошка тадбиркорлик шахобчалари очилди. 2006-2010 йилларда ишлаб чикаришни техник жихатдан мунтазам модернизация килиб боришни жадаллаштириш учун корхоналарнинг уз маблаглари ва жалб килинган маблаглар хисобидан йуналтираётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солигидан, урнатилган ва ишлаб чикариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солигидан озод килинди[12]. Бунинг натижасида тикувчилик сехларидаги эски тикув машиналари алмаштирилди, кандолатчилик сехларидаги печлар ва турли асбоб ускуналар янгиланди. Бу каби имтиёзлар хотин-кизларни тадбиркорлик фаолиятида даромаднинг ортишига сабаб булди. Бундай яратилган имкониятлар ва узгаришлар хотин-кизларни тадбиркорлик сохасига кизикишларини орттирди ва уларни сонини ошишига олиб келди. Хусусан, 2005 йилда иктисодий сохаларда банд булган аёллар сони 4871,5 минг [1] кишини ташкил килган булса, 2010 йилга келиб 5295,1 минг[1] кишини ташкил килди, яъни 1,087 баробарга ошганини куришимиз мумкин.

2008 йил Жахон молиявий-иктисодий инкирозининг салбий окибатларини камайтиришга каратилган "Инкирозга карши чоралар дастури"да кичик бизнесни ривожлантиришга алохида ахамият берилди, тадбиркор хотин-кизлар учун ажратилаётган кредитлар хажми ошиб, Республика Марказий банки хотин-кизлар тадбиркорлиги учун 148 млрд. 700 млн. сум кредит ажратган булса, 2010

йилда бу курсаткич 250 млрд. 595 млн. сумни ташкил килди [9]. Бу каби имкониятлар хотин-кизлар тадбиркорлигини янада ривожлантиришга туртки булди. Чунки, бу каби имтиёзли кредитларнинг мавжудлиги, якка тартибда фаолият олиб бораётган хунарманд аёлларнинг фаолиятини кенгайтиришга имконият яратди. Хусусан, Сурхондарё вилояти Денов туманида хам аёллар уз тадбиркорликларини ривожлантириб олди. Масалан, уйида тикувчилик билан шугилланадиган аёлларимиз махаллада тикувчилик ателларини очиб, ишларини кенгайтириш билан бир каторда махалладаги хотин-кизларни бандлигини таъминладилар. Махалладаги ёш кизларни тикувчиликка кизикишини орттирди. Бунинг натижасида шогирдликка келган кизларни хунарга ургатиш билан бир каторда арзон ишчи кучига хам эга булдилар. Буларнинг барчаси тадбиркор аёлларнинг даромадларини ошишига хам олиб келди.

2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да кабул килинган давлат Дастури, Узбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони[8], 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги, 2015 йил 28 апрелдаги "Иктисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги карорлари, 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя килишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони[7] иктисодиётда давлат улушининг камайиб бориши ва хусусий мулкнинг ортиб бориши, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат килди десак муболага булмайди. Хусусан, 2010 йилда иктисодий сохаларда банд булган аёллар сони 5295,1 минг[1] кишини ташкил килган булса, 2015 йилга келиб 5964,3 минг [1]кишини ташкил этган. Бу эса мазкур даврда аёлларнинг улуши 1,12 баробарга ортганидан далолат беради.

"Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили" деб номланган 2017 йилда жамоатчилик назорати гурухлари тузилиб, хотин-кизлар хаётидаги ва тадбиркорлик фаолиятидаги муаммолар урганилди. Йил давомида жами 5 миллиондан ортик хонадонга кириб, уларнинг муаммоларини хал этиш чоралари курилди. Жумладан, 22 мингта оилада ажралишнинг олди олинди, 36 минг фукаро ишга жойлаштирилди, 14,5 минг юртдошимизга имтиёзли кредит олишда кумаклашилди[9]. Бу каби олиб борилган ишлар хотин-кизларни ижтимоий-иктисодий ва сиёсий хаётдаги иштирокини ошишига туртки булди.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтадиган булсак, давлатимиз хотин қизларни тадбиркорликка Ўзбекистон республикасида фаолиятига кенг жалб килишга

каратилган куплаб конунлар, карорлар, фармон ва фармойишлар ишлаб чикилди. Бу каби конуний асослар юртимизда хотин-кизлар фаоллигини оширди, уларни тадбиркорлик фаолияти билан бевосита шугилланишига кенг имкониятлар яратди. Мустакилликнинг дастлабки йилларида тадбиркор аёлларга ахоли томонидан салбий каралган булса, хозирги кунда келиб уларнинг фаолияти ижобий кабул килинмокда. Бу эса юртимизда хам аёллар ва эркаклар тенг хукукли эканлигини, жамиятда аёлларнинг иштирокини хам ортаётганлигини курсатиб беради. Хозирги кунга келиб хотин қизлар фаолийатига қаратилайотган еьтибор ижобий деб бахолаш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Балтабаева М.М. Узбекистон Республикаси хотин-кизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар) мавзусидаги Автореферати. Андижон-2019. 16-бет.

2. Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 3-жилд. - Тошкент:Узбекистон, 1996.-Б.117.

3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йулидан. 4-жилд. - Тошкент: Узбекистон, 1996. - Б. 163.

4. Оила кодекси, Мехнат кодекси, 1993 йил 3 майда Узбекистон Республикасининг "Мехнатни мухофаза килиш тугрисида"ги ^онуни, Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги "Узбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий курилишида хотин-кизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Оила кодексини амалга ошириш зарур булган меъёрий хужжатларни тасдикдаш тугрисида"ги 171-сон карори, 14 апрелдаги "Хотин-кизларга кушимча имтиёзлар тугрисида"ги ^онун, Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва усиб келаётган авлод соглигини мустахкамлашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги 32-сон, 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соглигини мустахкамлаш, соглом авлод тугилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йуналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги 242-сон карорлари, 2000 йил -"Соглом авлод йили"да, 2001 йил - "Оналар ва болалар йили"даги Давлат дастурлари, "Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тугрисида"ги Конунга сиёсий партиялардан курсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши тугрисида меъёрнинг киритилиши шулар жумласидандир.

5. Узбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси томонидан 2018 йилда тайёрланган махсус маълумот.

6. Узбекистон Республикаси Пезидентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Фармони //Халк сузи, 1998 йил 10 апрель.

7. Узбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя килишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони //Халк сузи, 2016 йил 6 октябрь.

8. Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги ПФ-4354-сонли Фармони (Электрон ресурс). Кириш режими: http://www.lex.uz/rudocs/ .

9. Узбекистон Хотин-кизлар кумитасининг жорий архив маълумотлари. 2017 йил, 17-жилд, 30-варак.

10. Узбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. - 11-жилд. -Б.393.